**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМРОЕВА ШАҲЛО МИРДЖОНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ МУАЛЛИФЛИК КОРПУСИНИ ТУЗИШНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши − 2018

УДК:410

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМРОЕВА ШАҲЛО МИРДЖОНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ МУАЛЛИФЛИК КОРПУСИНИ ТУЗИШНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши − 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2018.3.PhD/Fil504 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида, karshidu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Менглиев Бахтиёр Ражабович** филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Муродова Нигора Кулиевна** филология фанлари доктори, профессор
	Каримов Суюн Амирович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.30.05.2018.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» ___соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Ўзбек филологияси факультети фаоллар зали.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.

Г.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.ф.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида компьютер ва корпус лингвистикаси муаммоларини ўрганиш XX асрнинг 40-йилларида бошланиб, бу соҳада дастлабки илмий фаразлар айтилди. Хусусан, ўтган асрнинг 60-йилларида мазкур жараён жадаллашди, XXI аср бошларида ўзида миллионлаб сўзларни акс эттирувчи юзлаб тил корпуслар пайдо бўлди. Сунъий интеллектнинг автоматик таржима, компьютер таҳлили, таҳрири, тезаурус, электрон луғат сингари имкониятлари кенгайди, илмий-назарий асослари яратилди, амалиётда қўллаш мумкин бўлган илк намуналари қўлланила бошлади. Фандаги бу янгиланишлар ахборот технологияларини тилшуносликка татбиқ этиш билан боғлиқ истиқболли илмий йўналишлар пайдо бўлишига йўл очди. Бу эса корпус, корпус лингвистикаси, унинг шаклланиши, тараққиёти, бугунги ҳолати ва корпус тузишнинг умумий тамойилларини ўрганиш заруратини ҳамда мавзу долзарблигини белгилаб беради.

Дунё тилшунослигида XXI асрга келиб, корпус лингвистикасини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ҳаракати кучайди. Такомиллашиб бораётган компьютер лингвистикаси йўналишида автоматик таржима сифатини яхшилаш, тилни лингвистик моделлаштириш, ҳар бир тилга оид сўзларни леммалаш назарияси, алгоритмини яратиш ҳамда муайян тилнинг кўп асрлик миллий-маданий меросдан фойдаланиш имконини ошириш мақсадида уларни электронлаштириш жаҳон тилшунослигида долзарб масалага айланди. Тилшуносликда, хусусан, компьютер лингвистикаси соҳасида корпус яратиш, мавжуд корпуслар ҳажмини кенгайтириш, матнни автоматик қайта ишлайдиган дастурларни ишлаб чиқиш кабилар ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Истиқлол йилларида компьютер лингвистикасида автоматик таржима, сунъий интеллектнинг ўзбек тилини тушуниш ва қайта ишлашига эришиш борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса ҳам, корпус лингвистикаси яхлит тарзда, монографик планда ўрганилмаган. Бинобарин, барча илмий йўналишлар қаторида тилшуносликда ҳам "...илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа"сининг[1] белгиланиши фанлар интеграцияси бўйича чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Мамлакатимизда тилга эътибор маънавиятга эътиборнинг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Шу боисдан она тилимизни асраб-авайлаш, бойитиш, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга, ўзбек тилининг замонавий ахборот-коммуникация тизимида кенг қўлланишига эришиш кечиктириб бўлмайдиган, долзарб вазифага айланди. Корпус лингвистикаси истиқболли илмий йўналиши

[1]Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.13.

сифатида ўзбек тили миллий корпусини яратиш, муаллифлик корпуси тузишнинг лингвистик асосларини ишлаб чиқиш, лингвистик моделларни тузиш сингари масалаларни замонавий илмий тамойиллар асосида тадқиқ этиш фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4997-сон, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги "Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2789-сон Қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-3271-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I."Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида корпус лингвистикаси ўтган асрнинг 60-йилларида ўрганиш объектига айланган. "Ишонарли лингвистик маълумотлар катта массивли матнлар мажмуасидангина олиниши мумкин" деган қараш ўтган асрнинг 60-йилларида Р.Г.Пиатровский томонидан айтилган[2] бўлса-да, корпус соҳасидаги мақсадли тадқиқотлар 40-йилларда Блумфильд, Фрайс ва Бонджерслар томонидан бошланган[3]. Браун корпуси (1961-1964) тузувчилари Нилсон Френсис ва Генри Кучера илк марта корпус тузиш принципларини ишлаб чиққан. Бу борада Инглиз тили банки (1980) лойиҳаси муаллифи Жон Синклер ишлари ҳам эътиборга сазовор[4]. Рус тилшунослигида В.П.Захаров, А.Б.Кутузов, Е.В.Недошивина, В.В.Риков, В.Плунгянлар корпус, унинг турлари, ўзига хос хусусияти, корпуснинг ижтимоий аҳамияти, корпус тузиш

[2] Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. − (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) - //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf.

[3] Блумфилд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968. – 608 с.; Fries Ch.C. The structure of English. An introduction to the construction of English sentences. – L.,1969.; Bongers H. The history and principles of Vocabulary control. – Woerden: WOCOPI, 1947.

[4] Френсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. – М., 1967.; Синклер Д. Предисловие к книге "Как использовать корпуса в преподавании иностранного языка"/ Д. Синклер [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www/ruscorpora.ru/corpora-infro.html, свободный.

тамойиллари борасида тадқиқот олиб боришган[5]. Муаллифлик корпуслари О.В.Кукушкина, А.А.Поликарпов, Е.В.Суровцевалар томонидан тадқиқ этилган[6]. Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, матнга лексикографик ишлов бериш ва лингвостатистик таҳлил этиш борасида бирмунча тадқиқотлар амалга оширилган. А.Пўлатов, Ҳ.Орзиқулов, С.Муҳамедов, М.Айимбетов, С.Муҳамедова, С.Каримов, Г.Жуманазарова, А.Бабанаров, Д.Ўринбоева, Н.Абдураҳмонова, А.Норов ва бошқаларнинг кузатишларини ана шундай ишлар сифатида қайд этамиз[7]. Бу тадқиқотлар матнни инновацион ёндашув – компьютер лингвистикаси ютуқлари ёрдамида лексикографик ва лингвостатистик тадқиқ этишнинг замонавий усулларини тавсия этганлиги билан долзарблик касб этган бўлса-да, уларнинг ҳеч бирида ўзбек тили корпусларини яратиш масаласи кун тартибига қўйилган эмас. Аммо улар миллий тилимиз корпусини яратиш йўлида қўйилган тамал тошлари бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида юқорида санаб ўтилган тилшуносларнинг тадқиқотлари чуқур ўрганилди, муносабат билдирилди ва улардан тадқиқотда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Ғарбу Шарқ адабий анъаналари синтези” (2012-2016) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотда корпус, унинг ўзига хос хусусияти, ижтимоий, лексикологик, таълимий ва бошқа соҳалардаги аҳамияти, корпус лингвистикаси тарихи, корпус турлари, муаллифлик корпусининг лингвистик қимматини ўрганиш, ўзбек тили муаллифлик корпусини яратишнинг лингвистик асосларини ишлаб чиқиш мақсад этиб белгиланган.

---

[5] Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. − (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс)- //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf; Недошивина Е.В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург. −2006. 26 с.; Рыков В.В. Курс лекций по корпусной лингвистике. URL: http://rykov-cl.narod.ru/c.html; Плунгян В. Зачем мы делаем Национальный корпус русского языка? “Отечественные записки” 2005, №2. http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005_2_20-pr.html

[6]Кукушкина О.В., Поликарпов А.А., Суровцева Е.В. (Под ред. В.В.Дубичинский) Электронный корпус текстов художественных произведений А.П.Чехова: принципы организации и возможности лексикографического использования// Слово и словарь. Vocabulum et vocabularium. Сборник научных трудов по лексикографии. Вып. 12. – Харьков-Клагенфурт, 2011. – 416 с.

[7] Муҳаммедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс… канд. фил. наук.- Ташкент, 1980.; Бабанаров А. Разработка принципов построения словарного обеспечения турецко-русского машинного перевода: Автореф. дисс… канд. фил. наук. - Л., 1981.; Айымбетов М.К. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста: Автореф. дисс… канд. фил. наук.- Ташкент, 1987.; Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. Частотали луғат. Терс луғат. - Тошкент, 2007.; Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Фил.фан.док.дис…автореф. - Тошкент, 2008.; Муҳаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. - Тошкент, 2006.; Ўринбоева Д.Б. Ўзбек фольклори матнларининг лингвостатистик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2010.; Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси: Фил. фан. док. дис…автореф. - Тошкент, 2017.; Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида). Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. афтореф. – Тошкент, 2018.; Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2011.; Норов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Қарши, 2017. – 136 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корпус, корпус лингвистикаси, унинг шаклланиши, тараққиёти, корпус лингвистикасининг бугунги ҳолати ва корпус тузишнинг умумий тамойилларини ўрганиш;

муаллифлик корпуси тузишнинг лингвистик асосларини тадқиқ этиш;

муаллифлик корпусларининг муштарак ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

А.П.Чехов, А.С.Пушкин, Ф.М.Достоевский, А.С.Грибоедов, У.Шекспир, Фирдавсий, Румий, Саъдий Шерозий, Лойиқ Шерали асарлари корпуси мисолида муаллифлик корпуси тажрибасини ўрганиш;

муаллифлик корпуси тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

Абдулла Қаҳҳор корпуси интерфейсининг дизайн, қидирув тизими, маълумотлар базаси ойнаси мазмуни каби хусусиятларини тавсифлаш;

Абдулла Қаҳҳор асарлари мисолида сўзларни морфологик теглаш ва лингвистик моделлаштириш йўлларини асослаш;

семантик гуруҳ, тўда ва майдон таснифининг матнни семантик теглашдаги аҳамиятини ёритиш;

Абдулла Қаҳҳор асарлари мисолида синтактик теглашнинг лингвистик асосларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида корпус, унинг турлари ҳамда муаллифлик корпуси танланган.

Тадқиқотнинг предметини Абдулла Қаҳҳор асарлари корпуси интерфейси, корпус бирликлари, теглаш муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик, когнитив таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилшунослигида корпус, унинг лингводидактика ва лингвистикада маълумотларни марказлаштириш, қайта ишлаш имконияти ҳамда корпусдан фойдаланиш аҳамияти очиб берилган;

корпус яратиш уч босқичда тараққий этганлиги, биринчи авлоди электрон кутубхона шаклидалиги, иккинчи авлоди матнни қайта ишлай олиши, янги даврда эса ҳажман катта, аммо содда тегли корпуслар яратилаётганлиги, рус ва инглиз тили корпуслари тарихи, корпус лингвистикасининг бугунги ҳолати, замонавий рус, инглиз, турк, тожик тили корпусларининг жаҳон корпуслари орасидаги ўрни, уларнинг муштараклиги корпуснинг умумий талаблари даражасидалиги, фарқли томонлари эса сўз миқдори ва лингвистик таҳлил имкониятида эканлиги аниқланган;

корпусни лойиҳалаш ва тузиш технологик жараёнлари ўрганилган, тегнинг корпусда матнни қайта ишлашни белгилаб бериши, тег сўзшаклларнинг грамматик белгиларини кўрсатиши асосланган, корпус менежерининг қидирув, саралаш, фильтрлаш вазифаси ва унинг BONITO, XAIRA, SARA, SQR, DDS ва бошқа турлари келтирилган;

муаллифлик корпусининг илмий, амалий, таълимий мақсад ва вазифалари, миллий, параллел, таълимий, мультимодал корпуслардан фарқи,

муаллифлик корпусининг тузилиши, таркиби, ҳосиласи, рус ва инглиз тилида мавжуд муаллифлик корпусларининг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари очиб берилган;

муаллифлик корпусини тузишнинг лойиҳалаш, теглаш ҳамда қидирув тизими (корпус менежери)ни танлаш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Абдулла Қаҳҳор корпуси интерфейси лойиҳалаштирилган;

ўзбек тилидаги сўзларни морфологик, семантик, синтактик теглаш ва лингвистик моделлаштириш усуллари очиб берилган;

Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси матни морфологик, семантик, синтактик тегланган ва натижалар умумлаштирилган;

Абдулла Қаҳҳор муаллифлик корпуси лойиҳаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам берганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукаммаллиги, муаллифлик корпуси тамойилларини яратишда амалда исботланган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ўзбек тили миллий ва муаллифлик корпусларини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти амалий филология бўлимларидан бири − корпус лингвистикасининг фан сифатида ўқитилиш жараёнида дастур, режалар тузиш ҳамда мавзуларни баён этишда манба вазифасини ўташи, ўзбек тилида турли типдаги корпуслар ҳамда бошқа муаллифлик корпусларини яратишда намуна бўла олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотда илмий асосланган корпус тузишнинг умумий тамойиллари: корпусни лойиҳалаш ва тузиш босқичининг технологик жараёни, тегнинг корпус тузишдаги аҳамияти ва лингвистик восита эканлиги, корпус менежерининг қидирув, саралаш, фильтрлаш хусусияти; унинг турлари тавсифи асосида:

ўзбек тилшунослигида корпус, унинг лингводидактика ва лингвистикада маълумотларни марказлаштириш, қайта ишлай олиш хусусияти, назарий асослари, тил корпусининг лингвистик, амалий ва таълимий аҳамияти ҳақидаги назарий маълумотлар; корпус лингвистикасининг бугунги ҳолати, замонавий рус, инглиз, турк, тожик тили корпусларининг жаҳон корпуслари орасидаги аҳамияти, уларнинг муштарак ва фарқли томонлари қиёсланиши натижаларидан “Корпус лингвистика атамаларининг қисқача изоҳли луғати” яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 октябрдаги 89-03-3647-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида корпус лингвистикаси атамалари сираси мукаммаллашишига эришилган;

диссертациянинг сўзшаклларни теглаштириш, уларнинг лингвистик моделларини тузиш, тил корпусида ясама сўзни таҳлил қилиш тамойиллари борасидаги таҳлил ва хулосалари натижаларидан Самарқанд давлат чет

тиллар институтида 2008-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 октябрдаги 89-03-3647-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини қўллаш деривация ҳодисаларини изоҳлашда хизмат қилган;

корпусни лойиҳалаш ва тузиш технологик жараёнлари, тегнинг корпусда матнни қайта ишлашни белгилаб бериши, тег сўзшаклларнинг грамматик белгисини кўрсатиши; корпус менежерининг қидирув, саралаш, фильтрлаш вазифаси, унинг BONITO, XAIRA, SARA, SQR, DDS турлари тавсифи; муаллифлик корпусининг электрон луғат, электрон кутубхонадан фарқли жиҳатлари қиёси; муаллифлик корпусини тузишнинг лойиҳалаш, теглаш, корпус менежери танлаш тамойилларини белгилаш натижаларидан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида давлат илмий-техника дастури доирасида 2014-2016 йилларда бажарилган ЁА1-ФҚ-0-07289 сонли “Миллий амалий ва тасвирий санъат атамаларининг қисқача ўзбекча, русча, инглизча изоҳли луғати” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 октябрдаги 89-03-3647-сон маълумотномаси). Натижада амалий ва тасвирий санъат атамаларининг қисқача изоҳли луғати илмий-оммабоплиги таъминланган ва янги манбалар билан бойиган;

корпус интерфейси лойиҳалаштирилган; асарлар матни теглари лингвистик моделидан муаллифлик корпусининг off-line варианти фрагментини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 октябрдаги 89-03-3647-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ҳузуридаги IP-CENTERнинг №000895 ҳамда №000986 рақамли гувоҳномалари). Натижада “Абдулла Қаҳҳор асарлари корпуси” off-line варианти фрагменти яратилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан чоп этилган 1 та луғат, 2 та муаллифлик гувоҳномаси, 13 та илмий мақола (уларнинг 5 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тасарруф этган илмий журналларда) ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 165 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Корпус лингвистикаси шаклланиши, тараққиёти ва назарий асослари”** деб номланувчи I бобида корпус, корпус лингвистикаси, унинг шаклланиши, тараққиёти, бугунги ҳолати ўрганилган ҳамда ушбу масалаларга муносабат билдирилган. Бобнинг **“Корпус ва корпус лингвистикаси ҳақида”** деб аталувчи биринчи бўлимида корпус лингвистикаси, унинг предмети изоҳланган, илмий адабиётларги таърифлари тил корпуси маълум тилнинг белгиланган даврдаги, хилма-хил жанр, ранг-баранг услуб, ҳудудий ҳамда ижтимоий вариантдаги матнларнинг электрон шаклдаги махсус дастурий таъминот асосидаги йиғиндиси деган фикрда умумлаштирилган[8]. Жаҳон тилларининг жуда кўпчилиги мукаммаллик даражаси, матнни қайта ишлаш имконияти билан фарқ қилувчи ўз миллий корпусларига эгалиги, бугунги кунда лингвистик тадқиқот ва амалий топшириқлар ечими учун тил корпуслари замонавий тилшуносликнинг инкор этиб бўлмас иш қуролига айланганлиги, корпуснинг оддий электрон кутубхонадан фарқи, корпус аннотацияси, конкорданс (қидирув тизимининг нисбатан оддий кўриниши) ёки корпус менежери, унинг қидирув имконияти, корпус менежерига қўйилган умумий талаблар ёритиб берилган. Корпуснинг лексикография, лексикология, синтактис, услубиятни ўрганишдаги лингвистик аҳамияти, лингводидактика, она тили, хорижий тил таълимидаги ўрни ёритиб берилган.

Тилнинг миллий корпуси ахборот манбаи сифатида қуйидаги қулайликларни яратишини таъкидлаш жоиз:

1) корпуслашган тилда яратилган оғзаки, ёзма ёдгорликлар, миллий, маданий мерос намуналари электрон кўринишда Интернет тармоғидан жой олади;

2) корпус табиий (реал) тилнинг электрон шаклдаги, қидирув дастурига жойлаштирилган матнлар йиғиндиси; бир марта тузилиб, мукаммал тегланган корпус лингвистик тадқиқотлар самарадорлигини таъминлашда барқарор лингвистик база вазифасини бажаради;

3) корпус электрон кутубхона, луғат, грамматикалар яратишга асос бўлади. У кенг кўламли бўлганлиги учун маълумотнинг ўзига хослигини кафолатлаб, тил ҳодисаларининг барча қирраларини тўлиқ намойиш этишни таъминлайди;

[8] Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. − (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) - //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf.

4) турли маълумотлар тил корпусида ўзининг табиий контекстуал шаклида жойлашади, бу эса уларни ҳар томонлама, чуқур, объектив ўрганишга асос бўлади;

5) корпус – тилни тадқиқ этиш (сўзнинг ўзгариши, историзм, неологизмларнинг вужудга келиши, маъно кенгайиши, торайиши, янги фразеологизмларнинг пайдо бўлишини кузатиш), тил ўрганиш, луғат тузишда энг замонавий, кенг имкониятли дастурлаштирилган тизим.

“Корпус лингвистикасининг шаклланиши ва тараққиёти” бўлимида компьютер асригача ва ундан кейинги корпус шакллари, тил корпус яратишнинг 4 асосий даври: 1960, 1970, 1980, 2000 йилларда яратилган корпуслар, уларнинг хусусиятлари, инглиз, рус корпус лингвистикаси тарихи ҳақида батафсил маълумот берилган. Корпуснинг пайдо бўлиши, ривожланиши икки босқич: компьютер асригача бўлган ва компьютер асри корпуслари давридан иборат. Биринчи давр корпуси – картотекалар тўпламидан иборат, гарчи бугунги корпус кўринишида бўлмаса-да, лингвистик тадқиқот учун материал вазифасини ўтаган. Компьютер асрида эса улар электрон шаклга кирган, дастурлаштирилган. Том маънодаги корпус лингвистикасига ўтган асрнинг 60-йилларида инглиз корпуси (Браун корпуси) муаллифлари асос солишган. Инглиз тили, унинг вариантлари учун турли мақсадни кўзловчи 100дан ортиқ корпус тузилган. Рус тилшунослигида корпус лингвистикасининг тамал тоши 1980 йилларда Швециянинг Упсала университетида қўйилган.

“Корпус лингвистикасининг бугунги ҳолати” бўлимида корпус турлари, унинг репрезентативлик хусусияти, таркибига кирувчи жанрлари, ёзма, оғзаки, бир тилли, кўп тилли корпус; балансга келтирилган, ҳажман у қадар катта бўлмаган, алоҳида тадқиқий топшириққа хизмат қилувчи махсус матнлар корпусининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Корпус тузилиши, мақсади, турғун/ўзгарувчанлиги каби жиҳатларига кўра қанча кўринишга эга бўлмасин, уларни икки томондан гуруҳлаш мақсадга мувофиқ:

а) бутун тилга (одатда, тилнинг маълум даврига) ёки унинг маълум бир воқеланиш тури(жанр, услуб, бирор ижтимоий ёки ёшга оид гуруҳ, ёзувчи/олим тили)га оидлигига кўра;

б) лингвистик тег турига кўра.

“Муаллифлик корпуси тузишнинг умумлингвистик асослари” деб номланувчи II бобда корпус тузишнинг умумий тамойиллари, муаллифлик корпуси тузишнинг лингвистик асослари, муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

“Корпус тузишнинг умумий тамойиллари” бўлимида корпусни лойиҳалаш ва тузиш босқичининг технологик жараёни ёритилган. В.П.Захаров, С.Ю.Богдановалар корпусни лойиҳалаштириш жараёнининг муҳим жиҳати сифатида хронология масаласини келтиришади. Масалан, тилнинг замонавий корпуси деганда нима тушунилиши лозим? Турли жанрларда корпуснинг хронологик чегараси турлича бўлиши табиий. Шу билан бирга, матн таркибида мавжуд бўлган расмлар тил материалига

тегишли бўлмаганлиги сабабли корпус таркибига кирган матндан чиқариб ташлашни, жадвалларни корпусга мослаб қайта ишлаш, иқтибос, кўчирма гаплар, ўзлашма бирлик (атама)лар, ўлчов бирликлари ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади. Санаб ўтилган масалаларнинг баъзиси лойиҳалаштириш босқичида маълум принцип асосида ҳал этилса, айрими корпус тузиш жараёни ёки корпусдан фойдаланишда ҳал этилади. Кузатиш ва таҳлиллар натижасида корпусни яратиш қуйидаги босқичлардан иборат эканлиги аниқланди:

1. Таҳлил, матнга дастлабки ишлов бериш босқичида турли манбалардан қабул қилинган матнлар филологик текширув – таҳрирдан ўтади.

2. Конверсиялаш, графематик таҳлил жараёнида баъзи матнлар қайта кодлаштириш жараёни амалга ошадиган илк машина ишловидан қайта-қайта ўтади, номатний қисмлар (расм, жадвал) ўчирилади ёки ўзгартирилади. Матндаги бўғин кўчириш, чегаралар (MS-DOS матнларида) бекор қилинади, тире ва бошқа белгилар бир хиллигига эришилади. Графематик таҳлилда корпусга кирувчи матн қисмлар(сўз, боғловчи)га ажратилади, номатний элементлар ўчирилади.

3. Ностандарт (нолексик) элементни белгилаш, расмийлаштириш, махсус матний элемент(қисқартма асосида ёзилган ном (исм, фамилия), бошқа алифбода ёзилган ўзлашма лексема, расмга берилган ном, изоҳ, зарварақ, адабиётлар рўйхати)ни бир хил мезон асосида қайта кўриб чиқиш амаллари автоматик равишда матн муҳаррири томонидан бажарилади.

Ушбу бўлимда тегнинг корпус тузишдаги аҳамияти, лингвистик восита эканлиги, матнни автоматик теглаш, корпуснинг қидирув тизими – корпус менежери масалаларига алоҳида ўрин ажратилган.

Тег икки: лингвистик ва экстралингвистик турга ажратилади[9]. Экстралингвистик тегнинг қуйидаги кўринишлари фарқланади:

1. Матн форматининг ўзига хослигини акс эттирувчи (боб, хат боши, қисм ва ҳ.) тег.

2. Матн ва унинг муаллифига тегишли маълумотни ифодаловчи тег.

Лингвистик тегнинг морфологик, синтактик, семантик, анафорик, просодик кўринишлари мавжуд. Корпусни теглаш (инг. tagging) дастурлаштирилган йўл билан амалга оширилади. Бунда, аввало, вақтни тежаш, меҳнатни камайтириш назарда тутилса, иккинчидин, матнга автоматик ишлов бериш муаммосига ечим топилади. Ҳозирча анафорик, просодик теглаш қийинлигича қолиб кетяпти; теглаш фақат қўлда бажариляпти, кейинчалик бу ҳам дастурлаштирилади, албатта. Морфологик, синтактик теглаш теггер, парсинг ёрдамида амалга оширилса ҳам, бу дастурларнинг аксарияти автоматик теглашдан кейинги тузатишни талаб қилади. Чунончи, морфологик омонимия (кўпроқ флектив тилларга хос), синтактик кўпмаънолилик ҳолатида дастур хулосанинг бир неча кўринишини таклиф қилади, тадқиқотчи кераклисини танлайди. Янги авлод корпуслари

[9]http://rykov-cl.narod.ru/c.html.

ҳажмининг фавқулодда катталашганлиги мутахассислар олдига теглашнинг тўлиқ автоматлаштирилган турига ўтиш, янги, мукаммал теггер, парсинглар яратиш вазифасини қўяди. Автоматик морфологик таҳлил (теггер) ёрдамида ҳар бир лексик бирликка (сўз туркуми, лемма, граммема гуруҳи) алоҳида грамматик характеристика (шахс-сон, келишик, бошқа грамматик категория) берилади.

В.П.Захаровнинг фикрича, лингвистик теглашнинг барча (морфологик, синтактик, семантик, анафорик, просодик) тури қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади[10]:

1) тег схемасини тавсифлаш (асослаш);
2) умумий лингвистик тушунчалар тизимини аниқлаш;
3) фойдаланувчи учун маълум бўлган таҳлил схемасини шакллантириш;
4) тег схемасининг назарий анъанавийлигига эришиш;
5) халқаро андозаларга амал қилиш.

Тил корпусининг ажралмас, асосий қисми унинг қидирув тизими– корпус менежери; у матн ва лисоний бирликларни бошқарувчи система. Корпус менежери − корпус маълумотлари устида ишлашга мўлжалланган махсус қидирув тизими; статистик маълумот, қидирув натижасини фойдаланувчига қулай кўринишда кўрсатиб берувчи дастурий таъминот. Е.В.Недошивина корпус менежерига қўйиладиган талабларни санар экан, уларнинг энг асосийси сифатида матннинг калит сўзлари рўйхати, тўлиқ конкорданс рўйхатни ярата олиш; фақат сўзни эмас, балки сўз бирикма ҳолидаги сўровга ҳам жавоб бера олиш; шаблон асосида (мураккаб сўров) қидирувни амалга ошириш; олинган натижа(чиқарилган рўйхат)ни бир неча мезон асосида саралай олиш; сўзшаклга берилган сўровни чекланмаган миқдордаги контекстда акс эттириш; корпуснинг алоҳида элементлари бўйича статистик маълумот бера олиш; корпус тегидан келиб чиққан ҳолда лемма, сўзшаклнинг морфологик хусусияти ҳамда метаахборот (библиографик, типологик)ни тўлиқ ифодалай олиш; натижаларни сақлаш, чоп этиш; файл ва корпуснинг чекланмаган ҳажми билан ишлай олиш; қидирувни тез амалга ошириш, натижаларни чиқариш; турли матн форматларини (txt, doc, rtf, html, xml ва б.) ўқий олиш ҳамда шу формат билан ишлаш; малакали ҳамда янги фойдаланувчи учун бирдек қулай бўлиш каби хусусиятларга алоҳида тўхталади[11]. Демак, корпус тузиш унинг тамойилларини ишлаб чиқишдан бошланади; бунда асосий эътиборни корпусни лойиҳалаштириш, теглаш, унга мос қидирув тизими (корпус менежери)ни танлашга қаратиш лозим. Корпусда тегнинг аҳамияти тенгсиз, чунки корпусдан фойдаланиш имконининг кенг ёки торлиги корпусдаги тег хусусиятига боғлиқ.

Мукаммал тег – кенг имкониятли, универсал корпус гарови. Корпус тузиш учун теглаш дастурлари − парсинг, таггинглар муҳим восита. Шу

[10] Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика.– Иркутск: ИГЛУ, 2011. – С.76.

[11] Недошивина Е.В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. работа с системой DDC.// Языковая инженерия: в поиске смыслов. – (Электрон ресурс) : https//docplayer.ru.

сабабли бугунги кунда сунъий интеллектнинг ўзбек тилини “ўқиш, тушуниш, қайта ишлаш, унга мос жавоб қайтариш”га қодир дастурлар яратиш дастурчилар олдида турган долзарб вазифадир. Сунъий интеллект ўзбек тилини “билмайди”, уни “тушунадиган” махсус парсинг, таггинг дастурлари ишлаб чиқиш лозим.

II бобнинг **“Муаллифлик корпуси тузишнинг лингвистик асослари”** бўлими муаллифлик корпуси мақсад ва вазифалари, идеографик теглаш ва корпус интерфейси муаммоларига бағишланган. Корпус интерфейси – фойдаланувчини унинг бутун мазмуни билан таништирувчи, мундарижа вазифасини бажарувчи жуда муҳим таркибий қисм. Муаллифлик корпуси интерфейси – муаллиф ижодий мероси жанрий таснифини бир қарашдаёқ тушуниш учун яхши имконият; корпуснинг бошқа маълумотлар базасидан фарқи ҳам шундай имкониятнинг мавжудлигида. Муаллифлик корпусининг муҳим таркибий қисми тегнинг қай даражада серқирра ва мукаммаллигидан қатъи назар, интерфейсдир. Мукаммал ишланган интерфейс – фойдаланувчи учун тушунарлилик ва ишлашни қулайлаштирувчи омил. Муаллифлик корпусининг яна бир муҳим белгиси тегланганлик даражаси ҳамда тури. Лингвистик тег асосида частотали, терс луғат тузиш мумкин бўлса, муаллиф асарларини идеографик теглаш идеографик луғат яратишга асос бўлади.

Бобнинг **“Муаллифлик корпусларининг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари”** бўлими муаллифлик лексикографияси ва муаллифлик корпуси муносабати, унинг ўзига хос хусусияти: тузилиши, таркиби ва ҳосиласи, А.С.Пушкин, Ф.М.Достоевский, А.С.Грибоедов муаллифлик корпусларининг ўхшаш ва фарқли томонлари тадқиқига бағишланади. Муаллифлик лексикографияси, муаллифлик луғатини тузишнинг назарий асослари, муаллифлик идиостилини ўрганиш тажрибаси, муаллифлик электрон луғати тузишнинг ўзига хос жиҳати, миллий ва адабий тил ички корпусидан муаллифлик лексикографиясида фойдаланиш тажрибаси, янги турдаги луғатлар тузиш ғоялари, муаллифлик лексикографияси асосида замонавий адабий тилдаги ўзгаришларни қиёсий-таҳлилий тадқиқ этиш муаммоларига бағишланган[12]. А.П.Чехов бадиий асарлари корпуси мисолида муаллифлик корпусининг ўзига хос хусусияти: тузилиши, таркиби ва ҳосиласи борасидаги изланишлар асосида корпуснинг шартли равишда “ИСТОК”[13] деб аталувчи ахборот-тадқиқий тизими, унинг асосий вазифаси, мавжуд имкониятлари; А.П.Чехов корпуси асосида *А.П.Чехов бадиий асарлари тили грамматик-семантик частотали луғати* яратилганлиги аниқланган. Луғат ва электрон корпус йиғиндиси – янги типдаги лексикографик маҳсулот. Бу маҳсулотнинг аҳамияти луғат билан ишлашнинг янгича услуби, қулайлиги, фойдаланувчининг ёзувчи ижоди тил хусусиятлари бўйича кейинчалик турли хил мустақил тадқиқотлар олиб бориш имконининг мавжудлиги билан

[12] www.ruslang.ru/seminar_aut_lexocorg020413 сайтидаги “Теория и практика авторской лексикографии” семинар материаллари.

[13] “ИСТОК” – “Исследование Словаря, Текстовых Особенностей, Конкордансов” сўзларининг бош ҳарфидан олинган қисқартма.

белгиланади[14]. Муаллифлик корпуси муаллифлик лексикографияси билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли муаллифлик лексикографиясининг тараққиёт даражаси корпус лингвистикаси билан икки томонлама муносабатда: бирининг тараққиётини иккинчисининг ривожисиз кўриб бўлмайди. Афсуски, тилшуносликнинг бу икки йўналишини жаҳон тилшунослигида ҳам ривожланган соҳа дейиш қийин; муаллифлик лексикографияси йўналишида анча ишлар қилинган бўлса ҳам, бугунги кунда ечимини кутиб турган масалалар кўп. Муаллифлик корпуси тараққиёти эса турғун ҳолатда. Корпус имкониятларининг кенгайиб бориши муаллифлик корпусларининг мукаммаллашувига таъсир этмаяпти. Мавжуд муаллифлик корпуслари (Европа тиллари корпуси) жуда содда тегланган. Бу борада рус корпус лингвистикасида эришилган ютуқлар ҳавас қилгулик. А.П.Чехов, А.С.Пушкин, Ф.М.Достоевский каби буюк ёзувчи, шоирларнинг корпуси, Британия миллий корпуси таркибидаги Шекспир, Манҳейм университети корпусидаги Гёте корпуси ҳамда форс-тожик мумтоз, муосир адабиёти вакиллари корпуси муаллифлик корпусининг ютуғи; улар соҳанинг кейинги ривожи учун намуна бўлиб хизмат қилади. Муаллифлик корпуси устидаги изланишлар қуйидаги хулосаларга олиб келди:

корпус мақсадига кўра тадқиқий ва иллюстратив бўлади; муаллифлик корпуси ҳар икки мақсадда ҳам тузилиши мумкин. Тадқиқий корпус тузувчиси маълум лингвистик муаммони ечиш учун ўз корпусини тузади, шу асосда қилаётган илмий тадқиқоти учун хулоса чиқаради; иллюстратив корпус муаллифи эса корпусни кенг фойдаланувчилар турли амалларни (таълимий топшириқ тузиш, корпус асосида тажриба ўтказиш, таржима, матн тузишда лингвистик база сифатида фойдаланиш) бажаришига мўлжаллаб тузади. Демак, муаллифлик корпуслари – *тадқиқий* ва *иллюстратив* корпус кўриниши;

корпуснинг ўзгарувчанлигига кўра турғун ва динамик тури фарқланиб, муаллифлик корпуси *турғун корпус*, тўлиқ/фрагмент кўриниши бўйича *тўлиқ матнли корпус* сирасига киради. Чунки муаллифлик корпуси миллий корпусда бўлганидек доимий янгилаб боришни талаб қилмайди: бир марта тузилади, тўлдириш, тузатиб боришга эҳтиёж қолмайди. Тўлиқ матнли корпус сифатида эътироф этилишига сабаб шуки, муаллифлик корпусида бир муаллиф ижоди тўлиқ қамраб олинади ҳамда бутун ижодий мероси (асар матни тўлиқ олинади) киритилади. Нутқ турига кўра *ёзма*, параллеллигига кўра *бир тилли*, матннинг ихтисослашувига кўра *аралаш* (чунки бир муаллифнинг барча жанрдаги асарлари киритилади), кириш усулига кўра (корпус тузувчисининг ихтиёрига қараб) ҳар хил: *пуллик, эркин, ёпиқ* бўлиши мумкин. Изоҳ хусусиятига кўра *морфологик, синтактик, семантик тегланган*, матн ҳажмига кўра *тўлиқ матнли*, хронологик жиҳатига кўра

[14] Кукушкина О.В., Поликарпов А.А., Суровцева Е.В. (Под ред. В.В.Дубичинский). Электронный корпус текстов художественных произведений А.П.Чехова: принципы организации и возможности лексикографического использования// Слово и словарь. Vocabulum et vocabularium. Сборник научных трудов по лексикографии. Вып. 12. Харьков- Клагенфурт, 2011. – С.216.

диахрон, умумийлигига (тузувчилар сонига) кўра *якка ва умумий муаллифли* корпус сифатида қаралади.

“Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг хусусий лингвистик асослари (Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси мисолида)” деб номланувчи III бобда Абдулла Қаҳҳор корпуси интерфейси хусусиятлари, ўзбек тилидаги сўзларни морфологик теглаш ва лингвистик моделлаштириш йўллари, семантик гуруҳ, тўда ва майдон таснифининг матнни семантик теглашдаги аҳамияти масалалари таҳлил этилади.

“Абдулла Қаҳҳор корпуси интерфейсининг ўзига хос хусусиятлари” бўлими асосини муаллифлик корпуси тузишнинг умумий тамойиллари асосида Абдулла Қаҳҳор асарлари корпуси тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш ташкил этади. А.Қаҳҳор асарлари корпусини тузишда дунё муаллифлик корпуслари тажрибаси, ўзбек тили ҳамда А.Қаҳҳор ижодининг ўзига хос томонларига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Муаллифлик корпуси таркибий қисмларининг тўғри жойлаштирилиши, корпус мазмуни, материали, теглар тизимининг мукаммаллиги фойдаланувчи/тадқиқотчи учун муҳим омиллар бўлганлиги сабабли Абдулла Қаҳҳор корпусини тузишнинг муҳим босқичлари сифатида корпус интерфейсини лойиҳалаш (1), корпусга материал танлаш (2), материални қайта ишлаш (3), корпусни теглашнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш (4), корпуснинг морфологик, семантик, синтактик теглар мажмуини ишлаб чиқиш (5), корпуснинг дастурий таъминотини яратиш (6) кабиларни алоҳида санаб ўтиш жоиз. Корпус интерфейси дизайни, тузилиши, имкониятларини ишга солувчи қидирув ойналари, уларнинг таркиби, корпус материаллари корпус лингвистикаси мутахассиси томонидан тайёрланади, корпус дастурий таъминоти эса дастурловчи зиммасида қолади. Корпуснинг энг асосий белгиси уни мунтазам мукаммаллаштириб, тўлдириб бориш, бу хусусият корпусни бошқа электрон маҳсулотлардан ажратиб туради. Бунинг учун корпуснинг асосий базаси у тузилган вақтда тўғри режалаштирилган бўлиши лозим. А.Қаҳҳор асарлари корпуси учун А.Қаҳҳор асарларининг беш жилдлик мукаммал нашри асосий манба бўлади. Тузилиши лойиҳалаштирилган А.Қаҳҳор корпусидан ҳам электрон кутубхона, ҳам матнни қайта ишлай оладиган, сўровга жавоб берадиган тегланган корпус сифатида фойдаланиш мумкин.

“Ўзбек тилидаги сўзларни морфологик теглаш ва лингвистик моделлаштириш йўллари” бўлимида леммалаш ҳамда тегнинг лингвистик модели ўрганилди. Ўзбек тилидаги матнларни морфологик теглашнинг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш объект сифатида танланган “Бемор” ҳикоясини теглаш учун назарий асос вазифасини бажара олади. Морфологик тег тизимига *сўзшакл, лемма* ва *тег* киради. Сўзшакл – танланган матндаги морфологик бирлик. Сўзшаклни теглашнинг биринчи босқичи уни леммалаш, яъни сўзшаклнинг лексема шаклини келтириш. Флектив тилларни теглашда энг қийин босқич – бу леммалаш (лемматизация), яъни сўзнинг лексема шаклини сўзшаклга тег сифатида бириктириш. Чунки флектив тилларда сўзшаклдаги грамматик маъно сўз ўзагига қоришиб кетган бўлади. Флектив тиллардан фарқли ўлароқ, агглютинатив тилда леммалаш жараёни

анча осон. Сўзшаклнинг грамматик шаклсиз қисми (ўзак ёки негиз) леммага тенг. Тегда лемма <*> белгиси ичида берилади. Барча сўз туркумларида леммалаш шу асосга, яъни "сўзнинг ўзак-негиз қисми леммага тенг" тамойилига асосланилса, феъл туркумида феъл-лемма II шахс буйруқ-истак майли шаклида берилади. Луғатларда феълнинг ҳаракат номи шаклида берилиши одат тусига кирган: <бормоқ>. Аммо бу шакл корпус учун мос эмас, чунки корпусдаги матнда сўзнинг <бормоқ> шакли эмас, <бор> шакли қидирилади. Шунга асосланиб, феъл-лемма **ўқитди** <ўқи>, **бўлмади** <бўл>**, кўрсатди** <кўр>**, олди <ол>** шаклида берилади. Феъл-иборанинг лемма шаклини "Фразеологик луғат"даги каби *-моқ* қўшимчаси билан бериш тўғрироқ, чунки *кўзи тиниб* каби қурилишли иборани <кўзи тин> шаклида леммалашда ҳеч қандай маъно йўқ. Фойдаланувчи ибора қидирганда морфологик эмас, балки семантик тег натижасидан фойдаланади. Шунга асосланиб, иборанинг **кўзи тиниб <**кўзи тинмоқ>, **боши айланадиган** <боши айланмоқ> тарзида тегланиши мақсадга мувофиқ. Бошқа барча сўзлар <*> белгиси ичида ўзак-негиз шаклида лексема ҳолида ёзилади: **саҳарга** <саҳар>. Сўз туркумларида ўзакнинг соддалашиш масаласи ҳам бор. Табиийки, соддалашиш жараёнида бўлган ўзак шу ҳолида лемма шаклига келтирилади[15]. От сўз туркумидаги луғавий шакл лемма таркибига киритилмайди, чунки бу шакл лексик маънога таъсир қилмайди, тегда **қизча** <қиз> кўринишида акс этади. Айрим сўзлар бундан мустасно. Чунончи, *боғча, шолча, кўрпача* сўзлари шу ҳолида леммага тенг, чунки улардаги *-ча* кичрайтириш шакли эмас. Теглаш жараёнида ҳар бир сўзшаклга 5тадан 10тагача, баъзан ундан ҳам кўпроқ морфологик тег (изоҳ) ёзиш талаб қилинади. Тегларни лингвистик моделлаштириш мақсадга мувофиқ, чунки лингвистик моделда морфологик тег шартли қисқартма шаклини олади. Ҳар бир сўз туркумини теглаш учун махсус лингвистик модел шакллари ишлаб чиқилади.

Феъл туркумини теглашнинг лингвистик моделини ишлаб чиқишда феълнинг барча грамматик категориялари ҳисобга олинади; феъл-леммага сўзшаклга қараб шу теглардан тегишлиси ёзилади. *Теглар тизими кўриниши:* **чўзилади** <чўз> [ф], [муст. ф.], [ҳар. ф.], [ў-сиз ф.], [б-ли ф.], [ўзл. н.], [сод. ф.], [т.ф.], [х.м.], [к.з.], [III ш.б.]

От туркумидаги сўзни леммалаш, теглашнинг дастлабки босқичида унинг умумий грамматик маъносига асосланилади[16]. Борлиқдаги бир турдаги предметдан бири ёки шу турдаги предметларнинг умумий номини билдиришига кўра атоқли ва турдош от маъновий гуруҳи ҳамда унинг тури аниқланади. Атоқли от *теглари:* **Абдуғанибой** <Абдуғанибой> [от], **[ат. от.], [шахс н.],** [б. к.], [бирл. с.] кўринишида бўлса, турдош от **паркда <парк>** [от], **[тур. от], [ан.о.], [ў.ж.н.],** [я.о.], [с.о.], [т.о.], [ў.п.к.], [бирл. с.] тарзда тегланади.

---

[15] "Бемор" ҳикояси матнида бундай сўз учрамаганлиги учун бу масала таҳлилдан четда қолади.

[16] Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o`zbek adabiy tili. O`quv qo`llanma. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2009. – Б 367.

Сифат туркумидаги сўзни леммалаш ўзак-негизни <*> белгиси билан сўзшаклдан ажратиш билан амалга оширилади, лингвистик модели “сифат = [сиф.]” шаклида белгиланади, **йироқ <**йироқ> [сиф.]. Сифат-сўзшаклни теглашда от туркумидаги каби умумий грамматик маъно белгиланади: *Теглар тизими:* **йироқ <**йироқ> **[сиф.], [ас. с.],** [о.д.], [с.с.], [т.с.], [хус. ЛМГ].

Олмош туркуми теглар мажмуи унинг маъновий гуруҳлари, тузилиши, ясалиши, келишик, эгалик, сон категорияси каби морфологик белгилардан ташкил топади. *Теглар тизими:* **шу <шу>** [олм.], [кўр.олм.], [с.олм.], [туб олм.], [б.к.], [бирл. с.].

Сон сўз туркуми теглари лингвистик модел сифатида соннинг маъновий гуруҳи, тузилишига кўра тури тавсифидан иборат бўлади. *Теглар тизими:* **25** <йигирма беш> [с.], [сан. ЛМГ], [мур.с.].

Равиш туркуми тег тизимида равишнинг ЛМГи, тузилиши, деривацияси каби категориялари мавжуд бўлади. Равиш-сўзшаклга қуйидаги теглар бириктирилади: **ҳозир** <ҳозир> [рав.], [п. рав.], [с. рав.], [туб рав.].

Ёрдамчи сўз туркумлари лингвистик моделлари боғловчида **аммо <аммо>** [боғ.], [соф боғ.], [зид. боғ.]; кўмакчида **билан <билан>** [кўм.], [соф кўм.], [вос.м.]; юкламада **ҳатто <ҳатто>** [юк.], [куч. юк.], [соф юк.] кўринишида бўлади.

